

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

БЮДЖЕТ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил биринчи ярим йиллиги бўйича ижроси яқунлари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Унда қайд этилганидек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2009 йил биринчи ярим йиллигида Президентимиз томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини изчил амалга ошириш, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар даъвои доирасида қабул қилинган ҳужжатлар ижроси таъминланиши натижасида иқтисодиётнинг барқарор ўсишига эришилди. Бу давр ичида ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,2 фоизга ошди.

Саноатнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар эвазига ушбу соҳадаги ўсиш 9,1 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигидаги кўрсаткич эса 4,6 фоизга тенг бўлди. Ярим йиллик даврда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 13,1 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмининг 17,7 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг 18,5 фоизга ўсганлиги ички эҳтиёжни қондиришнинг асосий омилларидан бири бўлди. Экспорт ҳажми ўсиб, савдо балансига қарийб 1,6 млрд АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдо таъминланди. Ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 32,7 фоизга ошди. Аҳолининг реал даромадлари 25,9 фоизга кўпайди. Инфляция даражаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланган параметрлар доирасида сақлаб қолинди.

Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳисобига Давлат бюджетининг даромадлари 100,8 фоизга бажарилди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди.

Шунингдек, Давлат бюджети харажатларининг 54 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Хусусан, таълим соҳаси муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш харажатларига ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 58 фоизи йўналтирилди.

Бундан ташқари, йиғилишда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш иқтисодиёт реал секторини қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар бажарилганлиги, маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилган харажатлар ҳам ўз вақтида ажратиб берилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда ўтган ярим йиллик даврда айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланганлиги, бюджет интизомига риоя этилмаганлиги, маблағлардан ноқонуний фойдаланилганлиги каби молиявий тартиббузарликлар ҳали ҳам мавжудлиги, баъзи тармоқларда тўлов интизоми заифлиги, боқиманда қарздорликнинг даражаси юқорилигича сақланиб қолаётганлиги, бир қатор соҳаларда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ва «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларининг тўлиқ бажарилишига эътибор сусайганлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ОАВ материали асосида тайёрланди.

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ: НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ МУҚОБИЛ ИНСТИТУТИ

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар тобора фаоллашиб бораётган ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида улар ўртасида вужудга келадиган низоларни ҳал этишнинг ҳам муқобил усуллари кенг таркиб топиб бормоқда. Республикамизда давлат суд органларига муқобил институт сифатида ташкил этилаётган ҳакамлик судлари бунга ёрқин мисолдир. 2007 йилда «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганидан сўнг тадбиркорлик субъектлари ўз низоларини ҳал этиш мақсадида анъанавий суд органлари қатори ҳакамлик судларига ҳам мурожаат қила бошладилар.



Жорий йилнинг 18-20 август кунлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Арбитражни ривожлантириш маркази ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳаси ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Чорвоқ оромгоҳи»да ҳакамлик судьялари учун Ўзбекистонда ҳакамлик муҳокамасининг долзарб масалалари мавзусига бағишланган семинар ўтказилди. Унда республикаимиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 28 нафар ҳакамлик судьялари, юристлар, адвокатлар ва халқаро экспертлар иштирок этдилар.

Семинарда сўзга чиққан парламентнинг Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Собир Жабборов мамлакатимизда ҳакамлик судлари ривожланиши учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб ўтди.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун ижросининг мониторинги кўрсатишича, давлат суд жараёнларидан ўзининг арзон-

лиги, ҳакамларни танлаш ҳуқуқининг мавжудлиги, тезкорлиги, махфийлиги ва соддалиги сабабли тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳакамлик муҳокамасига бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бораётир, – деди С.Жабборов. – Лекин шунга қарамасдан, ҳакамлик судларини тарғиб қилиш, уларга бўлган ишончни мустаҳкамлаш ва ҳакамлик судларида фуқаролик муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни кўриб чиқишни янада кенгайтириш бўйича ишларни амалга ошириш лозим.

– Мазкур Қонуннинг 8-моддасига биноан адлия органлари тегишли ҳудудларда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказишни ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишни амалга оширадилар, – деб ахборот берди Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Собир Хол-



улларини янада ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий чораларни белгилашдан иборат бўлди.

Шунингдек, семинар кун тартибига мувофиқ ҳакамлик судьялари жамоат аттестациясидан ўтказилиб, уларга сертификатлар топширилди. Юқори кўрсаткичларга эга бўлган 3 вилоят ҳакамлик судларига келгусида улар ишларини янада ривожлантиришлари мақсадида семинар ташкилотчилари томонидан рағбатлантирувчи совғалар топширилди. Бундан ташқари, ЎЗР ССП ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги ҳакамлик судларининг барчасига 14 компьютер жиҳозлари тақдим этилди, шунингдек, «Солиқ ва боғжона хабарлари» газетаси ва «Қорхонани бошқариш» журнаliga 2010 йил учун обуна билан тақдирландилар.

Нодир АЛИМОВ.

Суратда: семинардан лавҳалар.

Семинар материаллари ва қўшимча маълумот учун куйидаги сайтларга мурожаат қилиш мумкин: www.bfu.uz, www.chamber.uz, www.arbitration.uz ва www.undp.uz.



УШБУ
СОҒИДА

1-бет
Ҳакамлик судлари ҳақида

\$1 = 1493,07 сўм

2-бет
Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар

€1 = 2113,44

3-бет
Юридик маслаҳатлар

£1 = 2456,55 сўм

5-6-бетлар
Янги қонун ҳужжатлари

¥10 = 157,86 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz

INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Вела Тегга • Baby Тегга • Jannat Makon • 7 днел • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Vopros • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Истории • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

ОБУНА-2010
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

119-0000
155-0955
Тел./факс: (99897)
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Президентнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1167-сон қарори («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишида яқка тартибда иморат қурувчиларга қўмак бериш учун республиканинг ҳар бир минтақасида ўз филиалига эга «Қишлоқ қурилиш инвест» иктисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси ташкил этилди. Белгиланган тартибга мувофиқ, инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили 1 октябрдан минтақалар доирасида қуриладиган уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ҳажми, таркиби ва тузилмаси бўйича таклифлар тайёрлайди; 1 ноябрдан бўлган муддатда ер массивлари танлаб олинади; ер участкасини танлаган яқка тартибда иморат қурувчи «тайёр ҳолда топшириш» шарти билан турар-жой биносини қуришда буюртмачи вазифасини бажариши учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан шартнома тузади. Яқка тартибда иморат қурувчи томонидан далолатнома бўйича турар-жой биноси қабул қилингандан сўнг яқка тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан кимшоиди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

Белгиланишича, уй-жой қурилиш инвесторлар маблағлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан, ижтимоий инфратузилма объектлари ва ташқи муҳандислик тармоқлари қурилиши эса маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Қишлоқ жойларда «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ кредитлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда иморат қурувчиларга нисбатан Президентнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3878-сон Фармонининг 4-банди қўлланилади. Унга мувофиқ, жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадларига қуйидагилар кирмайди: солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси ва ҳўжалик субъекти – иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ.

БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ ЯНГИ СТАВКАЛАРДА

Президентнинг 2009 йил 5 августда-

ги «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1169-сон қарори («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан 2009 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб импорт божи ставкалари ва акциз солиғи олинандиган товарларга акциз солиғи ставкалари тасдиқланди. Белгиланишича, 2009 йилнинг 1 октябрга «вақтинчалик сақлаш» божхона режимида жойлаштирилган товарларни эркин муомалага чиқаришда Президентнинг 2008 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-823-сон қарори ва Президентнинг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1024-сон қарори билан тасдиқланган ставкалар қўлланилади. 2009 йилнинг 1 октябрдан бошлаб эса «вақтинчалик сақлаш» режимидан эркин муомалага чиқариладиган барча товарларга ПҚ-1169-сон қарор билан тасдиқланган импорт божи ва акциз солиғи ставкалари жорий этилади.

ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ КИРИШГА – 180 КУН

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 августдаги 230-сон қарори билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, Импорт операциялари бўйича контрактларни ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тўғрисидаги низомга (ВМнинг 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган ўзгартишга мувофиқ, пул маблағлари ўтказилган санадан бошлаб 180 календарь кун мобайнида товарларни республикага келтириш ва эркин муомалага чиқариш режимида расмийлаштириш, импорт контрактлари бўйича ишлар ва хизматлар кўрсатиши бажариш ёки улар учун тўланган пул маблағларини қайтаришнинг таъминланмаганлиги тўлов муддати ўтган **дебиторлик қарз** ҳисобланади. Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган қўшимчага мувофиқ эса, етказиб берувчилар томонидан монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созлаш ишлари амалга оширилишини, улар томонидан ходимларни ўқитиш, дўрлати тўлови хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатилишини назарда тутувчи асбоб-ускуналар, қурилмалар, механизмлар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш юзасидан импорт контрактлари бўйича **бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар ва роялти суммаси контрактларда (спецификацияларда) алоҳида кўрсатилиши керак.**

НАМАНГАН УЧУН ДАСТУР

Президентнинг 2009 йил 6 августдаги ПҚ-1170-сон қарори билан 2009-2012 йиллар даврида Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури маъқулланади. Дастур шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик ва санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилинишини таъминлаган ҳолда Наманганнинг бош режасини амалга оширишга; янги турар жойларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш; кўчалар ва маҳалларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳисобига шаҳарнинг архитектуравий қиёфасини тубдан сифатли ўзгартиришга; замонавий талабларга мувофиқ равишда шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмаси объектларининг жадал ривожлантиришга, уй-жой-коммунал ва йўл ҳўжалиги фаолияти сифатини оширишга, шунингдек муҳандислик коммуникацияларини (сув, электр таъминоти, канализация ва бошқаларни) ривожлантиришга йўналтирилган.

ЯДРО АЙЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 августдаги 231-сон қарори билан Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар, шунингдек ядровий материаллар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

ҲОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИ ЎҚИТИШ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Халқ таълими вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 5 августда 1992-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаси-

ларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди.

2009 йил 15 августдан кучга кирди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилган) билан Бошоқли дон экинлари уругини етиштирувчи ҳўжаликларни, шунингдек илмий муассасалар – навлар оригинаторларини, селекция ва уругчилик соҳаси олимларини рағбатлантириш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

2009 йил 15 августдан кучга кирди.

СУҒУРТА УЧУН ЗАХИРАЛАР

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 13 августда 1882-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан 2008 йил 15 декабрдаги 1882-сон Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Чунончи, суғурталовчи ўзининг балансида мажбурият ёки активлар сифатида (ҳолатга кўра) ҳисобга олинувчи яна бир техник захира – кейинги йилларда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун мўлжалланган иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захирасини (ИФЖМС БЗ) шакллантириши шарт. Бундан ташқари, мажбурий суғурта қилишни амалга оширувчи суғурталовчилар у бўйича огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасини шакллантиришлари шарт.

2009 йил 23 августдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 1 августдан 14 августгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 32-33-сон асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogma.uz сайтидаги эркин қириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» руқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ҲЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 5 августдаги 230-аф-сонли буйруғига асосан МЧЖ «DUNYO-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2009 йил 16 мартда берилган 00180-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 5 августидан тугатилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 7 августдаги 231-аф-сонли буйруғига асосан «АЖУР-ПЛЮС» масъулият чекланган жамиятига 2007 йил 3 сентябрда берилган 00015-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 7 августидан тугатилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 6 августдаги 2-МС-сонли буйруғига асосан Шохрух Бутаева 2008 йил 30 июлда берилган 04594-сонли аудитор малака сертификатининг амал қилиши 2009 йилнинг 6 августидан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари
М.МИРЗАЕВ.

ҲОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 18 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1229,10	1 Малайзия рингити	422,25
1 Англия фунт стерлинги	2456,55	1 Польша злотийси	508,54
1 Дания кронаси	284,07	1 СДР	2329,47
1 БАА дирҳами	406,51	1 Туркия лираси	1003,88
1 АҚШ доллари	1493,07	1 Швейцария франки	1388,64
1 Миср фунти	269,23	1 ЕВРО	2113,44
1 Исландия кронаси	11,78	10 Жанубий Корея вони	11,94
1 Канада доллари	1352,79	10 Япония иенаси	157,86
1 Хитой юани	218,51	1 Россия рубли	47,07
		1 Украина гривнаси	192,68

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	kursи	бирлиги	kursи	бирлиги	kursи
Озарбайжон	20.08.2009	1	0,804	1	1,1436	1	0,0252
Арманистон	20.08.2009	1	375,65	1	534,78	1	11,88
Беларусь	21.08.2009	1	2833	1	4029,09	1	89,65
Грузия	20.08.2009	1	1,6707	1	2,356	1	5,2342
Козогистон	21.08.2009	1	150,83	1	214,56	1	4,77
Қирғизистон	15.08.2009	1	43,6627	1	62,3351	1	1,3764
Латвия	21.08.2009	1	0,494	1	0,702804	1	0,0155
Литва	21.08.2009	1	2,4287	1	3,4528	10	7,6714
Молдова	20.08.2009	1	11,2037	1	15,8023	1	0,3505
Тожикистон	20.08.2009	1	4,3903	1	6,2056	10	1,3891
Ўзбекистон	18.08.2009	1	1493,07	1	2113,44	1	47,07
Украина	20.08.2009	100	784,8	100	1107,5098	10	2,4587
Эстония	20.08.2009	1	11,0969	1	15,6466	1	0,346902

Манба: www.prime-tass.ru

• УСТУВОРЛИКЛАР

– Бюджет ижросига бағишланди
– Ҳакамлик судлари: низоларни муҳокама қилишнинг муқобил институти

1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси **2-бет**

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Давлат назорати кучайтирилган соҳа

3-бет

• ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

– Биринчи чоракларни таққосланг

– Хорижий фуқаро хоҳиш билдирмаса

– Кутубхоначи ҳам эътиборда бўлсин

4-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида».

5-6-бетлар

• top

7-8-бетлар



«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 32-сониди Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» қарори чоп этилган. Менинг эътиборимни ушбу ҳужжатдаги 13-банд жалб этди, унда олиб қўйилган, мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши керак бўлган мол-мулк рўйхати берилган. У этил спирти (озиқ-овқат спирти), алкоғолли маҳсулотлар, пиво ва тамаки маҳсулотларидан бошланади. Чамаси буни энг кўп ҳуқуқбузарликлар айни шу товарлар билан боғлиқлиги тақозо этса керак.

Умуман республикамизда спиртли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда сотиш қандай тартибга солинади? Ушбу фаолият билан яқка тартибдаги тадбиркорлар шугуллана оладиларми?

Ж. Абдураимов, яқка тартибдаги тадбиркор.

ДАВЛАТ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛГАН СОҶА

– Республикада алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар обороти* қатъий давлат назорати остига қўйилган. Бу назорат уларни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни лицензиялаш, ушбу товарларни белгиланган намунадаги акциз маркалари билан маркировкалаш, амалдаги стандартларга кўра мажбурий сертификатлаштириш, алкоғолли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан маркировкалаш, уни реализация қилиш ҳуқуқига махсус рухсатномалар бериш ва ҳоказоларда ифодаланади.

Алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш Этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомга (Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарори билан тасдиқланган, 2-илова, бундан кейин – 285-сон Низом) мувофиқ амалга оширилади. Ушбу фаолият билан қўйидаги лицензия талаблари ва шартларига риоя қилган ҳолда **фақат юридик шахслар** шугулланишлари мумкин:

алкоғолли маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган, «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси ёки «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланган технология йўриқномаларининг мавжуд бўлиши;

алкоғолли маҳсулотни қўйиш бўйича технологик линияларга ва уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошқа усуналарга гигиеник сертификатнинг мавжуд бўлиши;

ишлаб чиқариш лабораториялари («Ўзстандарт» агентлиги томонидан аттестациядан ўтказилган бўлиши лозим) зарур асбоб-усуналар, приборлар, кимёвий реактивлар билан жиҳозланган ва давлат стандартларида назарда тутилган барча зарур физик-кимёвий, микробиологик ва бошқа кўрсаткичларни анализ қилиш имконини берувчи синов усуналарига доир норматив-техник ҳужжатлар билан таъминланган бўлиши керак; корхонанинг устав фонди лицензия бериш тўғрисида ариза берилган кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 000 бараварини ташкил этиши керак (узум ва меваларни дастлабки қайта ишлайдиган корхоналар бундан мустасно);

алкоғолли маҳсулотларни қўйиш линияларида ҳисобга олиш маълумотлари кўрсаткичларини тегишли ҳимоялаш воситасига эга бўлган тайёр маҳсулотларни электрон ҳисоблагичларнинг мавжуд бўлиши;

бошқа талабларнинг бажарилиши (уларнинг тўлиқ рўйхати 285-сон Низомда келтирилган).

*Мазкур ҳолда оборот деганда алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини республикамиз ҳудудига олиб кириш, унинг ҳудудидан олиб чиқиш ва у орқали олиб ўтиш, шунингдек кўрсатилган турдаги товарларни харид қилиш, сақлаш, улгуржи ва чакана реализация қилиш тушунилиши керак.

**Алкоғолли маҳсулотнинг чакана савдоси билан фақат юридик шахслар шугуллана оладилар.

дан матбаа ёки бошқача ҳимояланишига эга бўлган ёрликлар қўлланиши керак. Ёрликнинг олд томонида қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

«Ўзстандарт» агентлигининг Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган рақам билан мувофиқлик белгиси; акциз маркадаги кодга мувофиқ келувчи корхона коди ҳамда қонун талабларига кўра қўйилган маълумотлар.

Алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини (республикамизда ишлаб чиқарилган ҳамда бошқа давлатлардан олиб келинадиган) **акциз маркалари билан маркировкалаш**

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган тамаки маҳсулотларига ҳамда спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида» 285-сон қарори билан тасдиқланган, 1-илова, бундан кейин – 285-сон ВМКга илова) билан белгиланган мажбурий талаб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (МВ, ДСҚ, ДБҚ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 7 январда 589-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 589-сон Йўриқнома) 8-бандига биноан эса, акциз маркалари «Агробанк» («Пахтабанк»)нинг минтақавий бўлинмалари томонидан:

алкоғолли ичимликларни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга – улар томонидан акциз маркаларининг буюртириладиган миқдори номинал қийматининг 50 фоизи тўланганда; тамаки маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга – акциз маркалари буюртириладиган миқдорининг тўлиқ номинал қиймати тўланганда;

алкоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчиларга – акциз маркалари буюртириладиган миқдорининг тўлиқ номинал қиймати ва акциз солиғининг бутун суммаси тўланганда берилади.

285-сон ВМКга илованинг 3-бандига мувофиқ:

республика ташқарисига экспорт қилинадиган;

ҳалқаро транзит мақсадлари учун мўлжалланган;

божсиз савдо дўконлари учун Ўзбекистон ҳудудига келтириладиган;

Вазирлар Маҳкамасининг рухсатномаси бўлган тақдирда кўргазмалар ўтказиш учун келтириладиган; жисмоний шахслар томонидан акцизсиз келтириш нормалари доирасида четдан келтириладиган (юбориладиган) спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари акциз маркалари билан маркаланмайди.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан **вино-ароқ маҳсулотлари** фақат «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компаниясининг ҳудудий ихтисослаштирилган улгуржи савдо базалари орқали **сотилади**, уларга маҳсулотларни улгуржи ва майда улгуржи сотиш ҳуқуқи берилган (Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 ноябрдаги «Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида» 452-сон қарорининг 1-банди).

Вино-ароқ маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш учун рухсат гувоҳномаси талаб қилинади. У Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартиби

тўғрисида низомга (Президентнинг 2007 йил 16 мартдаги ПК-605-сон қарори билан тасдиқланган, 1-илова) риоя этиб буюртманомга берилган юридик шахсларга** берилади. Савдо фаолиятини амалга ошираётган субъект Президентнинг худди шу қарори билан тасдиқланган (2-илова) Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларига риоя қилиши шарт.

Тамаки маҳсулотларининг чакана реализацияси учун махсус рухсат гувоҳномасини олиш талаб қилинмайди. Бунинг учун юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиш (чунки фақат улар тамаки маҳсулотлари реализацияси билан шугулланиш ҳуқуқига эгалар) ҳамда ҳисобга қўйилган, назорат-касса машинаси билан жиҳозланган ва чакана савдога қўйиладиган қонунчиликнинг бошқа талабларига мувофиқ бўлган савдо шохобчасига эга бўлиш етарлидир (батафсилроқ қаралсин: *Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари* (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган)).

Тамаки маҳсулотларининг улгуржи реализацияси учун Улгуржи савдонинг амалга оширишга доир фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга (Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ бериладиган улгуржи савдо билан шугулланиш ҳуқуқига лицензия олиш, шунингдек мазкур фаолиятга нисбатан белгиланган талабларга риоя қилиш талаб қилинади (батафсилроқ қаралсин: *Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом*).

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг талабларини бузганлик учун амалдаги қонун ҳужжатларида **корхоналар учун иқтисодий жавобгарлик чоралари**, шунингдек **уларнинг айбдор мансабдор шахслари учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари** назарда тутилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК)нинг 186-1-сон моддаси билан этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Жазо чораси – ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиш билан ЭКИХнинг 50 бараваридан 100 бараваригача жарима. Қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик деганда ушбу фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) олмастан этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш тушунилади.

Алкоғолли маҳсулотни тегишли рухсатнома олмастан реализация қилиш, республикамиз ҳудудига белгиланган намунадаги акциз маркалари билан маркировкаланмаган ёки қалбаки акциз маркалари билан маркировкаланган вино-ароқ маҳсулотларини олиб кириш (шунингдек ташини, бунга халқаро транзит кирмайди, сақлаш) ва ҳоказо ҳаракатлар қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик ҳисобланиши мумкин.

285-сон ВМКга илова ва 589-сон Йўриқнома талабларини бузган ҳолда акциз маркалари ёпиштирилган (сигарета қутисига целлофан плёнка устига марка ёпиштириш, бошқа ишлаб чиқувчилар ёки импорт қилувчиларнинг маркаларини ёпиштириш ва ҳоказо) тамаки ва алкоғолли маҳсулотлар маркировкаланмаган ҳисобланади. Улар белгиланган тартибда олиб қўйилиши керак.

Алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган ёки муомалага киритилган ҳолларда МЖТКнинг 186-1-сон моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш солиқ органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид

жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ваколатига киради (МЖТКнинг 264-моддаси).

Кўрсатилган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик Жиноят кодексининг 186-1-моддасида назарда тутилган бўлиб, у алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса қўлланилади. Жазо чораси – ЭКИХнинг 200 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш. Уша ҳаракатлар кўп миқдорда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса ЭКИХнинг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса 7 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотни кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш 7 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айлиниши устидан давлат назоратини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори (1999 йил 5 январдаги 2-сон) билан юридик шахсларга қўйидаги иқтисодий жазо чоралари назарда тутилган:

алкоғолли маҳсулотни акциз маркаларисиз ишлаб чиқарганлик учун – энг кам иш ҳақининг 300 бараваридан 500 бараваригача миқдорда жарима;

акциз маркаларисиз ёки сохта акциз маркалари билан ноқонуний ишлаб чиқарилган алкоғолли маҳсулотни сотганлик учун – ЭКИХнинг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима солинади ва улар алкоғолли маҳсулот билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади;

хом ашё ресурслари, спирт ва алкоғолли маҳсулотни сарфлаш ва сақлашни таъминлаш, уларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун – ЭКИХнинг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солинади.

Божхона органлари акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортровка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда уларни (ҳўжалик юри тувчи субъектларга нисбатан суд тартибидан) мусодара этиш тўғрисида қарор қабул этиш ҳуқуқига эга (1997 йил 29 августдаги «Давлат божхона хизмати тўғрисида» 472-1-сон Қонун 5-моддаси биринчи қисмининг ўнинчи хатбошиси). Маркировкаланмаган (қалбаки акциз маркалари ёпиштирилган) алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари аниқланганда, шунингдек кўрсатилган маҳсулот турлари лицензиясиз ишлаб чиқарилганлиги ҳоллари белгиланганда **солиқ органлари** ҳам худди шундай ҳуқуққа эгалар.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган, «СБХ»нинг 32 (784)-сонидан чоп этилган) 13-бандига мувофиқ, **олиб қўйилган алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши керак.**

Артём АДЕЕВ, «Ноқта» эксперт-юристи.

Расмий жавоб

БИРИНЧИ ЧОРАКЛАРНИ ТАҚҚОСЛАНГ

? Эр-хотин Ўзбекистонда чиқадиган газеталарни, шу жумладан «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи»ни мунтазам ўқиб борамиз. «Норма маслаҳатчи» газетасининг 2009 йил 4 майдаги 19 (200)-сонида «Устуворликлар» рукни остида чоп этилган «Ўзбекистон Республикасини 2009 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида» хабари бизни қизиқтириб қолди. Хусусан, VIII бўлимнинг тўртинчи хатбошида пенсиянинг ўртача миқдори 51,9% кўпайганлигини ўқидик.

Мазкур ахборотни шарҳлаб берсангиз.

Хурмат билан Б.Вишневский, Л.Вишневская.

Давлат статистика қўмитаси газетхонларнинг мурожаатига жавобан куйидагиларни маълум қилади.

– «Ўзбекистон Республикасини 2009 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида» маърузасида чоп этилган, пенсиянинг ўртача миқдори 51,9% кўпайганлиги тўғрисида статистик ахборот 2009 йилнинг январь-март ойлари (99 198,9 сўм) ва 2008 йил январь-март ойларидаги (65 291,8 сўм) пенсиянинг ўртача ойлик миқдорлари нисбати сифатида олинган.

Бунда пенсияларнинг ўртача миқдорлари тўғрисидаги ахборот Давлат статистика қўмитасига Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тақдим этилади.

Б. ТУРАЕВ,

Давлатқўм раисининг биринчи ўринбосари.

ЭКСПЕРТ ЮРИДИК ХИЗМАТИ
МАСЛАҲАТ БERAДИХОРИЖИЙ ФУҚАРО ХОҲИШ
БИЛДИРМАСА

? Ташкилотимизнинг директори хорижий фуқародир. 2009 йилгача биз унинг иш ҳақидан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар ажратмаган эдик. Жорий йилда эса солиқ инспекцияси бадалларни ундириш ва ШЖБПҲга ўтказишни талаб қилляпти.

Юзага келган вазиятда нима қилишимиз кераклигини тушунтириб берсангиз. Ушбу талаблар тўғрими? Кўрсатилган бадаллар хорижий фуқароларнинг меҳнат ҳақи тарзидаги даромадларидан ҳисоблаб ёзилиши керакми? Хорижий фуқаролардан ШЖБПҲга бадалларни уларнинг розилигисиз ҳисоблаб ёзсак бўладими ёки улардан тегишли ариза олиш лозимми? Агар хорижий фуқаро шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини очтиришга рози бўлмаса, нима қилиш керак? Ташкилотнинг бош бухгалтери.

– Хорижий фуқаролардан уларнинг розилиги ва тегишли ариза-сисиз ШЖБПҲга бадалларни ҳисоблаб ёзиш тўғри эмас. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиш хорижий фуқароларнинг бурчи эмас, балки ҳуқуқидир. Мазкур қоида амалдаги қонунчилик меъёрлари, яъни Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўйиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 1515-сон Низом)нинг 6-банди билан тасдиқланади, унда айтилишича, хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳолатда жамғариб бориладиган пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқдан фойдаланадилар. Бу ҳақда «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг (2004 йил 2 декабрдаги 702-II-сон) 4-моддасида ва МВ, ДСҚ, МБ ва МАИМҚВнинг Иш берувчилар томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномавий хатининг (2005 йил 31 январдаги) 6-бандида ҳам айтиб ўтилган.

Бинобарин, солиқ инспекциясининг хорижий фуқаролардан бадаллар ундириш ва уларни ШЖБПҲга ўтказиш тўғрисидаги талаблари тўғри эмас.

Бошқа вариант ҳам мавжуд: директорга жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг моҳиятини тушунтириш керак. Унда иштирок этишдан хорижий фуқаро ҳеч

ҳам ютқазмаслигини ҳисобга олиш керак. Чунончи, 1515-сон Низомнинг 3-бандига кўра фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий бадалларни ходимнинг ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи (даромади) солиқ солинадиган суммасининг 1 фоизи миқдоридан ҳисоблаб ёзилади, ушбу сумма жисмоний шахсларнинг даромадида қонунга мувофиқ ҳисоблаб ёзилган солиқ суммасидан тегишинча чегирилади. Бошқача айтганда, барча солиқлар ва мажбурий тўловлар чегирилганидан кейин хорижий фуқаро қўлга оладиган иш ҳақининг якуний суммаси у жамғариб бориладиган пенсия таъминотида иштирок этиш-этмаслиги мутлақо боғлиқ бўлмайди. Яъни кўпчилик ўйлаганидек, ушбу сумма унинг ШЖБПҲга бадаллар ўтказилган тақдирда камаймайди. Айтилган вақтда у Ўзбекистондан чиқиб кетаётганида жамғарилган маблағларни олиш ҳуқуқига эгадир.

Шу сабабли, агар хорижий фуқаронинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақ очил ва унга ажратмалар қилишни хоҳламаслиги туфайли ташкилотингизда солиқ органлари вакиллари билан иштирок этишдан у ҳеч нарса йўқотмаслиги, иш ҳақи миқдори аввалгидек қолиши, солиқ органлари мазкур масала бўйича бошқа талаб қўймасликлари бу эса, директор сифатида, унинг учун жуда муҳимлиги тўғрисида ишонтиришга уриниб кўриш маъқулдир.

Агар у барибир бунга розилик бермаса, солиқ органларига уларнинг даъволари нотўғрилигини исботлашингизга тўғри келади.

Артём АДЕЕВ,
«НОРМА» МЧЖ
эксперт-юристи.

КУТУБХОНАЧИ ҲАМ ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН

? Газетангизга Чирчиқ қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежининг ахборот-ресурс маркази филиали ходимлари топшириғига кўра мурожаат этмоқдамиз. Назаримизда, уларни ташвишлантираётган муаммо ўзларигагина тааллуқли, яъни маҳаллий аҳамиятга молик муаммо эмас, у илгари кутубхоначи бўлиб ишлаган ва ҳозирги кунда ҳам шу олижаноб, аммо моддий жиҳатдан кўрimsизроқ касб билан шуғулланиб келаётган деярли барча фуқароларнинг манфаатларига дахлдордир.

Гап ишлаб турган пенсионер кутубхоначилар ҳақида бормоқда. Маълумки, улар учун давлат томонидан қатор имтиёзлар: ёшга кўра пенсияга махсус иш стажи 25 йил бўлган тақдирда 50 ёшда чиқиш («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси); кутубхоначи бўлиб ишлашда давом этаётган пенсионерларнинг пенсия таъминоти юз фоиз сақланиб қолиниши (Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби, Адлия вазирлигида 1995 йил 20 декабрда 198-сон билан рўйхатга олинган) сингари имтиёзлар назарда тутилган.

Мамлакатимиз Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (2006 йил 20 июндаги ПҚ-381-сон қарор, бундан буён матнда ПҚ-381-сон қарор деб юритилади) мувофиқ мамлакатимиздаги барча кутубхоналар иш самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот-ресурс ҳамда ахборот-кутубхона марказларига айлантирилди. Илгари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида бўлган шахар оммавий кутубхоналари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ихтиёрига берилди. Шундай қилиб, улар ахборот-ресурс марказининг коллежлар ҳузуридаги филиали бўлиб қолди. ПҚ-381-сон қарорда уларнинг ходимлари вазифалари, асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган бўлиб, булар амалда ўзгаришсиз қолган, бинобарин кутубхоначилик соҳасидаги вазифа, ҳуқуқ ва мажбуриятлар сақланиб қолган.

Олий таълим муассасалари ҳузуридаги ахборот-ресурс маркази ходимларининг намунавий штат жадвали 2007 йил 1 январдан эътиборан жорий этилган бўлиб, унда етакчи кутубхоначи, биринчи ва иккинчи тоифали кутубхоначилар лавозимлари назарда тутилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2006 йил 16 ноябрда тасдиқланган). Бироқ ўрта махсус касб-хунар муассасаларининг штат жадвалида кутубхоначи лавозимлари йўқ. Ахборот-ресурс маркази филиалининг штат жадвалига филиал мудири лавозимидан ташқари олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган етакчи мутахассислар лавозими киритилган, лекин ихтисоси кўрсатилмаган. Хўш, улар кутубхоначи бўлиши керакми ёки ахборот технологиялари бўйича мутахассис?

Ўрта махсус касб-хунар муассасалари штат жадвалида кутубхоначи мутахассис лавозимининг йўқлиги давлат томонидан илгари кутубхоначилар учун белгиланган имтиёзлар бекор бўлишига олиб келган. Зотан бундай имтиёзлар «етақчи мутахассислар»га татбиқ этилмайди. Аксинча, ижтимоий таъминот хизматидагилар илгари тўланган пенсияни талаб қилиб қайтариб олишни мўлжаллаб юришибди. Кейинги ойлarda ахборот-ресурс кутубхона маркази ходимларига пенсия 50% миқдоридан тўланди. Энди бўлса, шахар ижтимоий таъминот бўлимидан улар пенсиядан тўлиқ маҳрум этилиши хусусида билдирги келди*. Хўш, бунда нимага асосланишмоқда? Ахир олий ўқув юрларида, мактаб ахборот-ресурс марказларида, ишлаб чиқариш кутубхоналарида ва шу сингариларда ишлаётган кутубхоначилар учун имтиёзлар сақланиб турибди-ку!

Ана шу вазиятни ҳал этиш учун ўрта махсус таълим муассасаларига мўлжалланган намунавий штат жадвалига ўзгартишлар киритиб, ундаги «етақчи мутахассис» лавозимини «етақчи мутахассис-кутубхоначи» ҳамда «ахборот технологиялари бўйича етакчи мутахассис» лавозими тарзида аниқлаштириб қўйиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Ўйлашимизча, бу бемалол ҳал этса бўладиган муаммо. Давлат миқёсидаги қонунларга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар, тузатишлар киритилади-ку ахир?!

И. Лагутова,

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Чирчиқ шахар кенгашининг раиси ўринбосари.

– «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг (1993 йил 3 сентябрдаги 938-III-сон, бундан кейин – Қонун) 47-моддасига мувофиқ, ёшга доир пенсия пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан умрбод тайинланади. Шу тариқа, агар пенсия қонуний асосларда олинган бўлса, ундан маҳрум қилишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Пенсиядан маҳрум қилиш эмас, балки ундан ушлаб қолишларга келсак, Қонун 65-моддаси биринчи қисмининг «б» бандига мувофиқ пенсиядан ушлаб қолишлар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг қарорига биноан пенсионерга унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қилиниши мумкин.

Қонун ҳужжатларида «техник хато» деганда нима тушунилиши тушунтирилмаган, бироқ сўзининг лексик маъносидан келиб чиққанда мазкур атама остида ҳисоб-китоб дастури ва ҳоказолар англаниши мумкин. Шунингдек «ҳисоблашдаги хато» атамаси тушунтирилмаган, бунда ҳисоб-китоб билан боғлиқ ҳаракатларнинг нотўғрилигини англаш мумкин.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг хатоси сингари асос тўғрисида мазкур бандда умуман ҳеч нарса дейилмаган. Бироқ айти уларнинг ушбу лавозим вазифаларига мезърий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ киритилган, масалан, имтиёзларни бекор қилиш ва ҳоказо ўзгартишлари ҳисобга олган ҳолда пенсиялар тўланишини тартибга солиш керади. Бинобарин, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими Қонуннинг юқорида кўрсатилган бандига мувофиқ ўз ходимларининг хатоси, совуққонлиги ёки эътиборсизлиги туфайли пенсиядан ушлаб қолишни қўллашга ҳақли эмас. Бироқ у судга мурожаат қилиб, унинг ҳал қилув қарори ҳамда Қонун 65-моддасининг «а» бандига асосан ушлаб қолишларни амалга ошира олади.

Пенсиядан бошқа ҳеч қандай ушлаб қолишларга, Қонуннинг 65-моддасида назарда тутилганларидан ташқари, йўл қўйилмайди. Уларнинг миқдори пенсионерга тўланадиган суммадан ҳисоблаб чиқарилади. Ойлик ушлаб қолишлар суммаси пенсиянинг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас. Пенсия ортиқча тўланган тақдирда туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими пенсияни тўлиқ тўламасликка ҳақли эмас.

«Мутахассис»га келсак, ходимларнинг мазкур тоифасига имтиёзлар, уларнинг лавозим вазифалари кутубхоначининг лавозим вазифаларига ўхшаш бўлса-да, ҳақиқатан ҳам татбиқ этилмайди. Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш тар-

тибининг (Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ижтимоий сўғурталаш жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, ИИБ, МХХ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1995 йил 20 декабрда 198-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2-бандига кўра мутахассислар 100% пенсия олиш ҳуқуқи бериладиган шахслар тоифасига кирмайди. Эҳтимол, бу ҳуқуқий чигалликларнинг биридир, уни тузатиш учун мезърий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд ўз кучини йўқотган деб топиш қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан, шу жумладан, вазирлик ва идораларнинг янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек уларни қабул қилган вазирлик ва идораларнинг ташаббуси бўйича амалга оширилади (Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг 88-банди, адлия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган, АВ томонидан 2009 йил 14 февралда 1905-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Қоидалар).

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (1994 йил 6 майдаги 1064-III-сон) 3-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига таклифлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, таклифнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Фуқароларнинг таклифлари бевосита ваколатларига қўйилган масалаларни ҳал қилиш керадиган давлат органига берилади. Улар тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади («Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси).

Сиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига намунавий штатларга ўзгартишлар киритиш тўғрисида таклиф билан мурожаат қилишга ҳақлисиз, таклиф қонун ҳужжатларига мувофиқ бир ой мобайнида кўриб чиқилиши керак. Бундан ташқари, сўровни Адлия вазирлигига юбориш мумкин, у вазирлик ва идораларга уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақлидир (Қоидаларнинг 90-банди).

Елена ЕРМОХИНА,
«НОРМА» МЧЖ эксперт-юристи.

*Сўз «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 12-моддасининг «к» банди ва Умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхати (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган) VII қисмининг 2-бандига асосан пенсия ёшига өтмасдан пенсияга чиққан ҳамда пенсия ёшига өтмаган маориф ходимлари тўғрисида борапти.

ЎЗБЕКИСТОН

ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАМДА ХУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 30-31-сон, 347-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда оила бюджетлари даромадларини кўпайтиришнинг, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишнинг ва халқ хунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг фуқароларнинг хунармандчилик фаолиятини касаначилик меҳнати шаклларига киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, «хунарманд» уюшмаси билан биргаликда оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришни тизимли асосда мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлашни таъминласин;

Давлат статистика кўмитаси билан биргаликда оилавий тадбиркорликда қатнашаётган, шунингдек хунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни, шу жумладан шогирд хунармандларни касаначилик билан шуғулланаётган шахс сифатида ҳисобга олишни ташкил этсин;

оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш параметрларининг янги иш ўринларини ташкил этиш ҳудудий дастурлари прогноз параметрларига киритилишини таъминласин;

2009 йил учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш, шу жумладан «Устошогирд» усули билан ўқитиш дастури бўйича уларни тайёрлаш учун 1 млрд сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминласин.

4. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига, «Микрокредитбанк»га ва бошқа тижорат банкларига оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчиликни ривожлантиришга, уй меҳнатини ташкил этишга белгиланган тартибда имтиёзли микрокредитлар ажратилишини кенгайтириш тавсия этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар:

хоналарни ижарага бериш, махсус жойларни ажратиш ва обод қилиш, хунармандлар ишлаб чиқарган буюмлар ва товарларни сотиш учун ихтисослаштирилган дўконлар ва шохобчаларни ташкил этиш йўли билан хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашсинлар;

хунармандчилик субъектларини маҳаллий хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашда, хунармандчилик буюмлари кўргазмаларини ўтказишда, ёшларни хунармандчилик кўникмаларига ўқитиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда амалий ёрдам кўрсатсинлар;

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 29 июль
216-сон.

**ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАМДА ХУНАРМАНДЧИЛИК
ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг мақсади учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

оилавий тадбиркорлик – эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган уларнинг умумий мулки негизда амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти;

оила аъзолари – эр-хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ҳамда 15 ёшдан ошган, шу жумладан фарзандликка олинган болалар;

хунармандчилик фаолияти (хунармандчилик) – юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг хунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолияти;

хунарманд (усто-хунарманд, усто) – мустақил равишда ёки шогирдлари ёрдамида махсус кўникмалар, асбоблар ва кичик механизация воситаларидан фойдаланишга асосланган анъанавий технологиялар асосида буюмларнинг функционал хусусиятларининг тарихан қарор топган талабларига ҳамда миллий эстетик нормаларга жавоб берадиган хунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни тайёрловчи жисмоний шахс;

хунарманднинг шогирди – 15 ёшдан ошган, хунарманддан хунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни ўрганаётган жисмоний шахс.

**II. ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ҲАМДА
ХУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИ
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ, ҲИСОБГА ҚЎЙИШ
ВА РУХСАТ БЕРУВЧИ ҲУЖЖАТЛАРНИ
РАСМИЙЛАШТИРИШ**

3. Оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига мувофиқ амалга оширилади.

4. Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади, унда якка тартибдаги фаолиятнинг оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши, шунингдек биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи оила аъзолари кўрсатилади.

5. Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан эр-хотиндан бири улардан биттасининг нотариал тасдиқланган розилигига кўра иш кўради.

6. Хунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади, унда ушбу Низомга иловага мувофиқ хунармандчилик фаолияти йўналишлари кўрсатилади.

**III. ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАМДА
ХУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

7. Оилавий тадбиркорликни амалга ошириш жараёнида

оила аъзолари ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадни тақсимлаш масалалари улар томонидан мустақил равишда тартибга солиб борилади.

8. Оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан доимий ходимлар ёллашга йўл қўйилмайди. Истисно ҳолларда оилавий тадбиркорликни амалга оширишда вақтинча бир марталик ишларни амалга ошириш учун оила аъзолари ҳисобланмайдиган фуқароларнинг жалб этилишига йўл қўйилади. Бу ҳолда улар билан ишларни бажариш вақти учун фуқаро-ҳуқуқий шартнома тузилади.

9. Хунармандчилик фаолияти хунарманд томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилади. Хунарманд хунармандчилик фаолиятини амалга оширишда буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш учун кўпи билан 5 нафар шогирдни жалб этишга ҳақлидир.

**IV. 18 ЁШГАЧА БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ
ТАДБИРКОРЛИКДА ҲАМДА ХУНАРМАНДЧИЛИК
ФАОЛИЯТИДА ҚАТНАШИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10. Оила аъзоси 15 ёшга тўлган тақдирда оилавий тадбиркорликда қатнашиши мумкин.

11. Шахс 16 ёшга тўлганда буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш учун хунарманднинг шогирди сифатида жалб этилиши мумкин. 15 ёшга тўлган шахс ота-онасидан биттасининг ёки унинг ўрнини босадиган шахснинг ёзма розилиги билан хунарманднинг шогирди сифатида жалб этилиши мумкин.

12. 18 ёшгача бўлган шахс оилавий тадбиркорликда, шунингдек хунарманднинг шогирди сифатида ишлашга у умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи ёки академик лицейда албатта ўқиши шarti билан қўйилади.

13. 18 ёшдан кичик шахсларнинг меҳнатидан оилавий тадбиркорликда ёки хунармандчилик фаолиятида уларнинг саломатлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ноқулай меҳнат шароитларида ишларда фойдаланиш тақиқланади. Кўрсатиб ўтилган ишларда 18 ёшдан кичик шахсларнинг белгиланган нормалардан ортқча оғирликдаги юкларни кўтаришига ва ташишига йўл қўйилмайди.

14. Оилавий тадбиркорликда ёки хунармандчилик фаолиятида қатнашаётган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар учун бир ҳафтада кўпи билан 36 соатлик, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар учун эса – бир ҳафтада кўпи билан 24 соатлик иш вақти белгиланади.

**V. ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАМДА
ХУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**

15. Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда тижорат банклари билан биргаликда қуйидаги йўналишларда тизимли чора-тадбирларни бажариш йўли билан амалга оширилади:

устахоналар учун хоналарни ижарага бериш, махсус жойларни ажратиш ва обод қилиш, хунармандлар ишлаб чиқарган буюмлар ва товарларни сотиш учун ихтисослаштирилган дўконлар ва шохобчаларни ташкил этиш; хунармандчилик субъектларини маҳаллий хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситала-

ри билан таъминлашда, хунармандчилик буюмлари кўргазмаларини ўтказишда, ёшларни хунармандчилик кўникмаларига ўқитиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда амалий ёрдам кўрсатиш;

устачиликни ўрганаётган шогирдларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан қонун ҳужжатларида белгиланган шакл ва тартиб бўйича «Усто-шогирд» стипендияси тўлаш;

оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли микрокредитлар ажратиш.

VI. ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ҲАМДА ХУНАРМАНДЧИЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

16. Оилавий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек хунармандлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ижтимоий суғурта қилиниш ва иш даврларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат стажига ҳисоблаш;

амалга оширилаётган фаолият турига мувофиқ бўлган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш, шунингдек уларни мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқача тарзда сотиш; амалга оширилаётган фаолиятдан олинган даромадни барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

ишлаб чиқарилаётган буюмлар ёки товарлар (хизматлар, ишлар)га мустақил равишда нарх белгилаш;

ишлаб чиқарилган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда идентификациялаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

17. Оилавий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек хунармандлар қуйидагиларга мажбур:

ишлаб чиқарилаётган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)нинг лозим даражада сифатли бўлишини таъминлаш;

буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришда бевосита қатнашиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик техникасини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини, шунингдек 18 ёшгача бўлган шахслар ишини тартибга солувчи меҳнат қонунчилиги нормаларини таъминлаш;

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига (кейинги ўринларда Пенсия жамғармаси деб аталади) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шу жумладан суғурта бадалларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

18. Шогирд қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқитиш

«Усто-шогирд» усули бўйича амалга оширилган тақдирда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан стипендия олиш;

Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда пенсия билан таъминланиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

19. Шогирд қуйидагиларга мажбур:

агар у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат таълимнинг тўлиқ курсини тугалламаган бўлса, умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи ёки академик лицейда ўқиш;

амалга оширилаётган хунармандчилик фаолиятига ўқиш доирасида хунарманднинг кўрсатмаларини бажариш;

хавфсизлик техникаси ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларига риоя этиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

VII. ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ВА ЁРДАМ БЕРУВЧИ ОИЛА АЪЗОЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

20. Оилавий тадбиркорлик субъектлари ва ёрдам берувчи оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлик принциплари, ўзаро ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам ва оила олдида унинг барча аъзоларининг масъулият ҳисси, боланинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бола меҳнатининг энг ёмон ва мажбурий шаклларига йўл қўймаслик, оила аъзолари томонидан ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширилишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоясини таъминлаш асосида қурилади.

VIII. ХУНАРМАНД ВА ШОГИРДЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

21. Хунарманд ва шогирдлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро аҳдлашув, ихтиёрийлик, меҳнатга мажбур қилишга йўл қўймаслик ва ижтимоий адолат, иш муомаласи одатларига, шунингдек маҳаллий одатларга ва анъаналарга риоя қилиш асосида қурилади.

22. Хунарманднинг шогирдларига иш ҳақи тўлаш миқдори хунарманд томонидан ўзаро келишув бўйича, уларнинг буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришдаги меҳнат улушидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

23. Хунарманднинг шогирди томонидан ишлаб чиқарилган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини назорат қилиш хунарманд томонидан амалга оширилади.

24. Хунарманд ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкий жавобгар бўлади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДА


25. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомга ИЛОВА

ХУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ХУНАРМАНДЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН БУЮМЛАР ВАТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ТУРЛАРИ РЎЙХАТИ

<i>Хунармандчилик фаолиятининг йўналиши</i>	<i>Буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар)нинг асосий турлари</i>
Гулди композициялар аранжировкаси	сунъий ва натурал материалдан икебанлар, гулдасталар, бўйи 70 сантиметргача бўлган етилган манзарали дарахтларни ўстириш (бонсай санъати)
Витраж ишлари	шиша, смальта ва бошқа материаллардан тайёрланган витражлар
Ганч ўймакорлиги (ганчга ўйма нақш солиш)	люстралар, девор шамдонлари, кўзгулар, нақшлар, сталактитлар, фризлар, карнизлар, устунлар элементлари, панжаралар, ҳайкалчалар, панно, шип ва девор нақшлари ҳамда асослари, ганчдан тайёрланган архитектура-қурилиш элементлари, ганч техникаси воситасида бажарилган бошқа манзарали-амалий буюмлар

<i>Хунармандчилик фаолиятининг йўналиши</i>	<i>Буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар)нинг асосий турлари</i>
Кудолчилик ишлари Наққошлик ишлари	лойдан ясалган ошхона ва уй-рўзгор предметлари, ўйинчоқлар ва сувенирлар металл, пластмасса, керамика, чинни, тош, картондан тайёрланган буюмларга қўлда нақш солиш (рельефли ёзувлар ва тасвирлар)
Ёғоч мезморчилиги Мебелларни безаш	болалар майдончалари ва парк зоналари учун ёғочдан ясалган қурилмалар, ҳайкаллар мебелларни газлама материаллар билан қўлда безаш
Тузука ишлари	тузукадан тайёрланган нақшли қувурлар ва сув ўтказгичлар, ошхона ва уй-рўзгор буюмлари, сувенирлар
Зардўзлик ишлари	зар ҳошияли техника воситасида (металли ипларни қўллаган ҳолда) тайёрланган буюмлар
Авторлик мебеллари тайёрлаш	декоратив-амалий санъат буюмларига тааллуқли бўлган мебеллар (комплектлар ва алоҳида буюмлар)
Авторлик кийим-бошлар ва пойабзаллар тайёрлаш	ишларнинг бутун комплексини бажарган ҳолда кийим-бошлар ва пойабзаллар, махсилар ва ковушлар, брезент, кирза ва кигиз этиклар, сандалетлар, шлёпанцлар ҳамда туфлиларни қўлда яқка тартибда тиктиш
Бош кийимлар тайёрлаш	дўппилар, шапкалар, саллалар, шунингдек мўйна, қорақўл, чарм ва қўлда тўқилган материаллардан тайёрланган бошқа бош кийимлар
Сопол, чинни, фарфор буюмлар тайёрлаш	сопол, чинни ва фарфордан тайёрланган декоратив-амалий санъатнинг барча турлари, сопол, чинни ва фарфордан тайёрланган архитектура-манзара элементлари, сопол, чинни ва фарфор буюмларни орнамент ва трафарет билан безаклаш
Ёғочдан халқ хунармандчилиги буюмларини тайёрлаш	ёғоч ва фанердан тайёрланган ошхона буюмлари, ўйма нақшли буюмлар, бешиқлар, болалар юртигичлари (уларга буюмлар), хонтахта, сандиқ, эшиклар, ромлар, декоратив рейкалар, картиналар учун ромлар, ёғочдан ишланган фигурали токарлик буюмлари (шахмат фигуралари ва бошқалар), қўлда ишланган бошқа ёғоч буюмлар
Бўёқли миниатюралар, расмлар, орнаментли ва эмалли безаклар тайёрлаш	лок миниатюраси техникаси воситасида тайёрланган буюмлар (қутичалар, картиналар), девор, қоғоз, холст, тери, газлама, папье-маше, ёғоч, қовоқ, картон, суяк ва эмалдаги расмлар ва орнаментлар
Муסיқа асбоблари тайёрлаш Халқ ўйинчоқлари тайёрлаш	фабрикадан ташқари шариотларда тайёрланадиган миллий муסיқа асбобларининг барча турлари фабрикадан ташқари шариотларда ёғоч, металл, гипс, картон, газлама, сопол ва бошқа материаллардан тайёрланган ўйинчоқлар
Миллий ширинликлар, нон-булка маҳсулотлари ва донали овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш	миллий қанд-шакар (новот), донали қандолатчилик буюмлари, миллий нонлар ва бошқа нон-булка маҳсулотлари пишириш, миллий пишлоқ маҳсулотлари ва қурт ишлаб чиқариш
Чармдан утилитар ва бадий буюмлар тайёрлаш	згар-жабдуқлар ва уларга аксессуарлар, камар, белбоғ, сумкалар ва уларга аксессуарлар, натурал ва сунъий чармдан тайёрланган миллий нимчалар, чарм сувенирлар
Печка ва каминлар ясаш	тандирлар, печкалар, каминлар (шу жумладан улар учун ҳаво сўриш қурилмалари)
Тўр тўқиш, тикувчилик ва кашта тикиш	кашталар ва тўқима буюмлар ҳамда қўлда тайёрланган кийим-бошларга деталлар (кашталар машинада бажарилиши мумкин)
Темирчилик ишлари	кетмонлар, чопкилар, хаскашлар, паншахалар, плуглар, миллий қилчичлар, ханжарлар ва пичоқларнинг барча турлари (хунармандчилик фаолияти шариотларида тайёрлашга рухсат берилмаганлардан ташқари), кам миқдорда тайёрланадиган темирчилик буюмлари
Новдалардан буюмлар тўқиш	ўсимлик материалларидан (қамиш, тол, похол, турли дарактларнинг шох-шаббаларидан) тайёрланган тўқима буюмлар
Металлни таъмирлаш ишлари	уй шаронтида металлдан тайёрланган маиший буюмларни таъмирлаш (калитларнинг дубликатларини тайёрлаш, соябонларни таъмирлаш, бошқа маиший металл буюмларни оддий таъмирлаш)
Мозаика ишлари	девор ва шип мозаикалари, табиий ва сунъий материалдан мозаика паннолари тайёрлаш
Гудли ва чокли тикишлар	турли газламалардан набойка техникасида тайёрланган буюмлар, "батик", миллий кийим-бошлар (халатлар, яктақлар, нимчалар), дўппилар, миллий одеяллар ва кўрпачалар, ёстиқлар, белбоғлар, тасмалар ва бошқалар
Муқовалаш ишлари Дурадгорлик ишлари	китобларнинг муқоваларини тайёрлаш ва таъмирлаш, қоғоз varaқларини муқовалаш ва тикиш аҳоли буюртмалари бўйича дурадгорлик ишларини амалга ошириш
Ҳийш ишлари	кўзгулар ва кўзгу сиртлари тайёрлаш
Ёғочга ўйма нақш солиш ишлари	техника воситасида ёғочга ўйма нақшлар солиб бажариладиган декоратив-амалий санъатнинг барча турлари
Суякка ўйма нақш солиш	сувенир буюмлари, кичик пластикалар, нецке, қутичалар, қилчич, ханжар ва пичоқлар учун соплар, инкрустацияни қўллаган ҳолда суякдан тайёрланган ва бошқа декоратив-амалий буюмлар
Тошга ўйма нақш солиш	тошдан тайёрланган сувенир буюмлар, кичик пластикалар, қутичалар, ёзув приборлари, шамдонлар, паннолар, рельефлар ва контррельефлар, барельефлар, геральдика ва рамзлар, тошни пардозлаш йўли билан тайёрланган безаклар ва бошқа декоратив-амалий буюмлар
Интеръернинг антиквар предметларини реставрация қилиш	антиквар предметларни таъмирлаш ва бошқа реставрация ишлари, катта маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган антиквар предметлардан ташқари
Газламаларга безак тикиш	газламалар ва кийим-бош предметларини қўлда бўйаш, газламаларга, шу жумладан трафарет босиш ва қўлда расм чизиш йўли билан расмлар чизиш
Қўлда гилам тўқиш	гиламлар ва гиламчалар, полослар, хуржунлар, кигиз буюмлари, шолчалар, жойнамослар, ўтовлар, жуддан тайёрланган буюмлар
Қўлда тўқиш ишлари	натурал ипақдан, ип-газлама, жун ва синтетик иплардан қўлда тўқилган атлас, беқасам, адрас, салла, газламалар
Шиша пуфлаш ишлари	бадий пуфлаш усулида тайёрланган кичик пластика, девор чирокчалари, сувенир буюмлар, безаклар
Бадий усудда қуйиш	натурал ва синтетик материаллардан тайёрланган ҳажмли ва фигурали шаклдаги қуйма буюмлар, шунингдек косиблик усулида (мураккаб машина ва механизмларни қўлламасдан) мис, бронза, чуъян, алюминий ва пўлатдан қуйиш йўли билан тайёрланган буюмлар
Соат ишлари (соатларни таъмирлаш)	соат механизмларини таъмирлаш ва тозалаш, эксклюзив девор, полга қўйиладиган камин ва қўл соатларини тайёрлаш
Ўйиш ишлари	ўйиш усулида тайёрланган мис, латун, алюминий буюмлар (чайнақлар, қумғонлар, лаганлар, вазалар ва утилитар ҳамда декоратив-амалий мақсаддаги бошқа буюмлар)
Эмаллаш ишлари	эмал қопламали буюмларни тайёрлаш, эмал қопламаларини таъмирлаш ва тиклаш
Заргарлик ишлари	пробага эга бўлган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда тамғаланиши керак бўлган, миллий усудда тайёрланган олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига мансуб металллардан тайёрланган буюмлар



TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 34 (215) 2009 йил 24 август



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги
омбордан сотилади

Тўлов – исталган
шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

енгил металл конструкциялар ва мебель ишлаб чиқариш учун
Тошкент шаҳридаги омбордан!

Квадрат кесишмаси – 12,7*12,7 дан 50*50 мм гача

Тўғри бурчакли кесишмаси – 20*10 дан 70*11 мм гача

Овал кесишмаси – 30*15 ва 20*40 мм

Думалоқ кесишмаси – D 10-63,5 мм

Деворнинг эҳтимолий қалинлиги: 0,8 дан 2,0 мм гача
Пўлат русуми 08КП DIN 2394, 2395

Арқали кесишмаси – 20*40 мм


H30-5

Тел.: + (998 71) 2737214, 2732158. Факс 273-6965. E-mail: info@network.uz

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ




АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ



TUV
CERT


ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

Alterna



H 2320

- ▶ ҚОҒОЗЛАР
- ▶ ФАКСЛАР
- ▶ ТЕЛЕФОНЛАР
- ▶ ТАШК.ТЕХНИКА
- ▶ МЕБЕЛЬ

УЛГУРЖИ

3 турдаги
тўлов

Буюртмага
ҳаммаси уй ва офис учун

Тошкент ш.,
Бунёдкор шоҳкўч., 6А
www.alterna.uz
Товар сертификатланган

245 33 77
245 77 88
378 30 18

Бўлғуси тақдимот
маросимлари,
кўрғазмалар, матбуот анжуманла-
ри ҳақидаги матбуот-релизларни,
хабарнома-таклифномаларни
«Норма маслаҳатчи» таҳририяти-
нинг реклама хизматига
237-51-33 телефон-факси
орқали жўнатишингиз мумкин.

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркасида
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

ПУЛ ЎТКАЗУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРГА ЧЕГИРМАЛАР! АВИАКАССА

Тўлов УЗР МБ КУРСИ БЎЙИЧА.

Шунингдек оилалилар, пенсионерлар,
талабалар учун! Илк бор учувчилар учун!
40 ёшдан ошганлар, ҳарбийлар ва собиқ
ҳарбий хизматчилар учун ЧЕГИРМАЛАР!!!

БИЗДА ЧИПТАЛАР БОШҚАЛАРНИКИДАН АРЗОН! ИШОНМАЙСИЗМИ?
Кўнғирок қилиб, БУНГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИНГ!

Т. 237-47-70, 267-68-68, 267-80-50.

ТОШКЕНТ, МУСТАҚИЛЛИК, 86А (СОБИҚ ПУШКИН)
МЎЛЖАЛ - "Х. ОЛИМЖОН" М. "KORZINKA.UZ" СУПЕРМАРКЕТИ

Дунёнинг барча шаҳарларига «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари»,
«Air Baltic» рейсларига ЧЕГИРМАЛАР

Куйидаги шаҳарларга учувчилар учун АКЦИЯ: БОРИШ / БОРИШ ВА ҚАЙТИШ (EURда)

* МОСКВА - 207/375	* ЕКАТЕРИНБУРГ - 228/437	* КАЛИНИНГРАД - 199/360
* САМАРА - 201/345	* СИМФЕРОПОЛЬ - 220/410	* ВЛАДИВОСТОК - 410/650
* КОЗОН - 201/383	* МИНВОДИ - 182/345	* С.-ПЕТЕРБУРГ - 201/388
* КРАСНОДАР - 201/383	* АЛМАТИ - 131/239	* ЕРЕВАН - 225/380
* БОКУ - 206/377	* БИШКЕК - 129/234	* ИРКУТСК - 252/420
* РОСТОВ-ДОН - 199/380	* КРАСНОЯРСК - 196/374	* МИНСК - 196/386
	* НОВОСИБИРСК - 207/375	

БОРИШ ВА ҚАЙТИШ (EURда)	* ШАРЖА - 481 ВИЗА	* УРУМЧИ - 270 ВИЗА	* ИСТАНБУЛ - 448
ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН	* КУАЛА-ЛУМПУР - 490	* ФРАНКФУРТ - 604	* ЛОНДОН - 568
			* ПЕКИН - 518

«GREEN CARD», ТАЛАБАЛИК ВА МЕҲМОН ВИЗАСИ БЎЙИЧА,
НЬЮ-ЙОРККА ДЯЖГА ЧИҚУВЧИЛАР УЧУН (EURда)
МАХСУС ЧЕГИРМАЛАР (EURда)

БОРИШ ВА ҚАЙТИШ - 1 ой - 960, 3 ой - 1027, 4 ой - 1088, пенсионерларга - 908,
оилавий - 894, оилавий (2-12 ёшли болали) - 620.
БОРИШ катталарга - 653, 2-12 ёшли бола - 349, ёшларга - 615

«TURKISH AIRLINES» РЕЙСЛАРИГА ЧЕГИРМАЛАР
талабалар, ўқитувчилар, ногиронлар, ёшларга (ҳужжатлар мавжуд бўлса).

ТОШКЕНТ - ПРАГА - ТОШКЕНТ 815 \$
СУПЕРАКЦИЯ!
ТОШКЕНТ - ИСТАНБУЛ - АНТАЛИЯ!

ДИҚҚАТ! ЯНГИЛИК!
Сизда МДХ ва олис хориз мамлакатларидан
Тошкентга учиб келувчилар учун Тошкентда
чипта ҳақини тўлаш имконияти бор

«BEHZOD YUM» ХК

2000 дан
ортиқ номдаги
товарлар

Улгуржи ва
чакана савдо


Канцелярия
ва хўжалик
товарлари



Тел. 233-54-11, факс 236-12-43. E-mail: behzod_yum@mail.ru
Манзил: Ҳамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 1-уй (мўлжал – вино заводи)

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www.restoran.uz



Хизматлар лицензияланган
H2309

**ПЛАСТИК
ДЕРАЗА ТОКЧАЛАРИ** 3 хил рангли

Т.: (998 71) 233-85-25, 236-21-97

Тўлов пул ўтказиш йўли билан
Улгуржи хариддорларга чеирмалар

товар сертификатланган

ҚУВУРЛАР H1366-1

полиэтилен
d 16 мм дан 800 мм гача, қалинлиги буюртмага кўра
монтаж билан

иссиққа чидамли
ва иссиқхона

ПЛЁНКАСИ

эни 20 см дан 200 см гача, қалинлиги буюртмага кўра

ЕЛИМ ёрликбоп Шартномавий нархлар

КЛЕИ

Факс 228-14-56, тел.: 103-14-38, 130-19-76

ЭЛЕКТРОДЛАР

**ЮҚОРИ
СИФАТЛИ**

"VISTEC" (Украина),
"ANYKSCIU VARIS" (Литва),
"БОЛЬШОЙ МОСТ" (Китай)

H2315

Т.: 235-79-94, 235-25-36, 510-36-10, 104-03-70

Ташкилот нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича қуйидагиларни сотади

ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача

◆ **ТИКИНЛИ АРМАТУРА: ЭУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, ЗАТВОРЛАР, КЛАПАНЛАР**

- ◆ Дизель кўчма электростанцияси 60 кВт
- ◆ ВКР, ВО, ВЦ, "Самал" вентиляторлари
- ◆ Электр ва кўл насослари
- ◆ КТЦ саноат кондиционерлари
- ◆ Электроталлар, кран-балкалар
- ◆ Муз генератори
- ◆ "Россиянка" электр плиталари (4 конфоркали ва духовка)
- ◆ Зангламас қувурлар Ø57, эни 4 мм, Ø10, эни 2 мм
- ◆ Кир ювиш барабани, ФЯР, ФПУ ҳаво филтрлари
- ◆ КИД, КВУ, ГРП-40 клапанлари
- ◆ Ўт ўчирувчилар кўлқоплари, колонкалар ва гидрантлар

Тел.: 273-95-90, 175-81-56 (ўяли), тел./факс 273-83-86

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган
Товарлар сертификатланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 104-84-10, 303-16-46 факс 274-66-77

**РАСМИЙ ДИЛЕР
ГРУППА**

УРАЛАЗ "Урал" автомобиль заводи ОАЖ

Сотиш, сервис, лизинг, кафолат

Тел.: + (998 71) 2737214, 2732158. Факс 273-6965. E-mail: info@network.uz

"ЕВРОМЕТАЛ-ОСИЁ" ҚҚ

ХАЛҚА квадрат, поковка **конструкцион, иссиққа чидамли, зангламас**

ТУНУКА **иссиқ жўваланган, тарам-тарам, зангламас**

конструкцион шестигранник

ст. У8Г – 0,9х326 мм рулонли тасма

Техник туз 1-2 навли (Учқудук)

т/ф: 281-35-61, 255-76-74, 254-94-95, e-mail: vklim_70@mail.ru

◆ **РҲЙХАТЛАР**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 3 августдаги 10-0813/11511-сонли ҳал қилув қарорига асосан Миробод туманидаги "MEGA RUD" МЧЖ (СТИР 300045268; рўйхатга олинган санаси ва рақами: 14.03.07 – 002178-03; КТУТ (ОКПО): 21463796) банкрот деб топишган ва тугатишга доир ишлар бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб С.Абдурахимов тайинланган. Мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2009 йил 25 августда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 11 августдаги 10-0907/12714-сонли ажримига асосан Ҳамза туманидаги "ASAL-XON-PLUS" МЧЖга нисбатан банкротлик иши очилиб, кузатув жараёни жорий этилди. Тугатиш бошқарувчиси этиб 4-тоифали суд бошқарувчиси Ҳамза туман ДСИ ходими С.Аманов тайинланди. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 20 август соат 16.00 да бўлиб ўтди. Ушбу корхонага алоқадор корхоналар Тошкент ш., Пахлавон Маҳмуд 2-тор кўчаси, 6-уй, Ҳамза туман ДСИ биноси, 311-хонага мурожаат этишлари мумкин. Тел. 289-46-88.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг
2009 йил 5 августдаги ҳал қилув қарорларига
асосан Собир Раҳимов туманидаги соддалаштирилган таомилда банкрот деб топилиб, тугатиш
жараёни бошланган корхоналар РҲЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами
"DALLAS BIZNES" МЧЖ	10-0920/11182(19)
"NUR MIRA XIZMAT" ШК	10-0920/11178(19)
"TURSUNOYXON ONA" ХК	10-0920/11177(19)
"QURILISH USTASI" МЧЖ	10-0920/11180(19)
"TAMO-MOTA" МЧЖ	10-0920/11183(19)
"YAXSHI NIYAT" МЧЖ	10-0920/11181(19)

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими Х.Хаётов тайинланган. Корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 2 ой муддат давомида ўз аризалари билан мурожаатларини Тошкент ш., Корасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 401-хонага билдиришлари мумкин.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009
йил 4 августдаги ҳал қилув қарорларига
асосан Сергели туманидаги банкрот деб
эълон қилинган корхоналар РҲЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами
"BREYZE GRAND STROY" МЧЖ	10-0915/10769
"SAVAR BARAKA" МЧЖ	10-0915/10768
"LOCHIN SAVDO" ШК	10-0915/10770

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Сергели туман ДСИ ходимлари Э.Нарманов ва М.Ахмурзаева тайинланди. Корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, 6а-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 6-хона. Тел.: 257-77-70, 257-74-51.

Хизматлар лицензияланган
Буюртмага

Металлда жамланган қувват!

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

top

237-51-83
237-47-20
237-47-05

**УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ**

www.restoran.uz

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Толмаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxahbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи-назарига мос келмайдими. Ушбу эълон тасвирлар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик муаллифи зиммасига юкланади.

Тахририят оғоҳлантирадими, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзилиб туриш имкониятига эга эмас.

"Norma maslahatchi" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Толмаржон кўч., 1/1).
Буюртма 204 Адади 5078. Баҳою келишилган нархда
Газета 2009 йил 21 августда соат 18.00 да топширилади.
ISSN 2010-5223